БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 235 (18.113). • 11 октябрь 1981 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

Яшасин улуғ Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида—коммунизм ғалабаси сари, олға!

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги давр очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Партиянинг кучи — халқ билан бирликдадир!

Халқнинг кучи — партия билан бирликда, унинг раҳбарлигидадир!

5. Коммунистлар! КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

6. Коммунизм бинокори, тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

7. Совет Иттифоқининг гражданлари! Ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашишни ўрганингиз!

КПСС XXVI съезди қарорларини бажарамиз!

8. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ўн биринчи беш йилликни зарбдор меҳнат билан нишонлайлик!

Улуғ Ватанимиз янада кучли, бадавлат ва кўркам бўлаверсин!

Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!

9. Яшасин Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

10. Яшасин шонли колхозчи-деҳқонлар!

11. Яшасин совет халқ зиёлилари!

12. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг мустаҳкам иттифоқи!

13. Яшасин Совет Иттифоқидаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлиги ҳамда енгилмас бирлиги!

14. Яшасин СССР Конституцияси!

Яшасин социалистик демократия!

15. Яшасин халқ депутатлари Советлари!

Совет Иттифоқи гражданлари! Давлат ва жамият ишларини бошқаришда актив қатнашаверингиз!

16. Яшасин коммунизм мактаби, жамиятимизнинг нуфузли кучи — совет касаба союзлари!

17. Йигит ва қизлар! Билим, маданият, касб маҳоратини сабот билан эгалланг!

Коммунизм учун онгли курашчилар бўлингиз!

18. Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви, совет ёшларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

19. Яшасин коммунизмнинг актив бинокорлари — совет хотин-қизлари!

Оналарга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсинлар!

20. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштирингиз!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг буюк ғалабаларини сергаклик билан мустаҳкам қўриқлангиз!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

21. Октябрь ғалабаси учун, Ватанимиз шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштирингиз! Ҳамма жойда илғор тажрибани жорий этингиз!

Онгли коммунистик интизомни мустаҳкамлангиз! Ижодий ташаббус кўрсатингиз!

Экономика интенсив ривожлансин!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ривожланган социализмнинг имкониятларидан, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан тўлиқроқ фойдаланингиз!

24. Совет Иттифоқи гражданлари! Жамоат хўжалигида иқтисод ва тежамкорлик учун умумхалқ ҳаракатида активроқ қатнашингиз!

Экономика тежамли бўлиши керак!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарингиз!

Беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажарамиз!

Самарали ва сифатли ишлаш — бизнинг ватанпарварлик бурчимиздир!

26. Коммунистик қурилишнинг олдинги сафида борайётган қизил байроқли коллективларга, беш йиллик гвардиячиларига шон-шарафлар!

27. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини, самарадорлиги ва сифатини оширингиз!

28. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантирингиз!

Байкал-Амур магистрали қурилиши суръатларини кучайтирингиз!

29. Ёқилғи ва энергетика саноати ходимлари! Ватан сизлардан кўпроқ нефть, газ, кўмир, электр энергияси кутмоқда!

30. Совет металлурглари! Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштирингиз!

Металл маҳсулот сифатини оширингиз, тежамли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтирингиз!

31. Машинасозлар! Серунум, тежамли ва пишиқ-пухта машиналар, приборлар, механизация ва автоматлаштириш воситаларини яратингиз!

Саноатни ва қишлоқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштирингиз!

32. Химия саноати ходимлари! Халқ хўжалигининг ва аҳолининг химия маҳсулотлари ва материалларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ таъминланг!

33. Саноат ходимлари! Аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни кенгайтирингиз, сифатини яхшиланг!

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришга, маиший хизматга кун сайин эътибор беринг!

34. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал маблағ самарадорлигини оширингиз!

Тез, шинам, замонавий техника асосида қурингиз!

35. Транспорт ва алоқа ходимлари! Халқ хўжалиги эҳтиёжларини пухта равишда таъминланг!

Совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширингиз!

36. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун сабот билан курашингиз! Уни механизациялаш ва химиялаш, ерларни мелиорациялаш суръатларини оширингиз!

Ноқоратупроқ ўлкани обод қилиш — умумхалқ иши!

37. Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари! Қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини оширингиз!

Дон етиштиришни кўпайтирингиз! Ердан, техникадан, ўғитдан омилкорлик билан фойдаланингиз!

Келгуси йил ҳосилига кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик қилайлик!

38. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари! Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз!

Гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтирингиз!

Чорвачилик — зарбдор фронт!

39. Қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, транспорт, қайта ишлаш ва савдо корхоналарининг ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нобуд бўлишига йўл қўймангиз!

Етиштирилган ҳамма маҳсулот халқ фаровонлиги йўлида фойдаланилиши керак!

40. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқроқ қондирингиз!

41. Совет Иттифоқи гражданлари! Жамоат мулкига омилкорлик билан муносабатда бўлингиз! Социалистик мулкни кўпайтирингиз!

Мамлакат бойликларидан оқилона фойдаланингиз!

Она табиатни ардоқлаб асрангиз!

42. Халқ хўжалиги мутахассислари! Ихтирочилар ва рационализаторлар! Техникани, технологияни, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштирингиз!

43. Совет олимлари! Тадқиқотларнинг самарадорлигини оширингиз!

Фаннинг ишлаб чиқариш билан иттифоқи мустаҳкамлансин!

Совет фанига шон-шарафлар!

44. Давлат аппаратининг ходимлари! Иш услубини такомиллаштирингиз! Совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан ёндашингиз!

45. Халқ контролёрлари! Интизомни мустаҳкамлаш, иқтисод ва тежамкорлик учун ғайрат билан курашингиз!

46. Идеология фронтининг ходимлари! Тарбия, ахборот ва пропаганда ишининг сифатини оширингиз!

Коммунистик ғоявийлик, ҳаётда актив позицияда туриш ҳар бир совет кишисининг онгига сингдирилсин!

47. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

Совет санъатининг ғоявийлиги, партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтарингиз!

48. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодга таълим бериш, унинг сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияси сифатини оширингиз!

49. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ходимлари! Ғоявий чиниққан, юқори малакали мутахассисларни тайёрлангиз!

Фанни ривожлантирингиз, ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамлангиз!

50. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилингиз! Медицина хизматининг сифатини оширингиз!

51. Физкультурачилар ва спортчилар! Физкультура ҳаракатининг оммавийлигини оширингиз!

Совет спортининг шуҳратини юксалтирингиз!

52. Шонли меҳнат ва уруш ветеранлари! Ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлодни Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялангиз!

53. Ўқувчилар, студентлар! Билим ва маданиятни, меҳнат кўникмаларини сабот билан эгалланг!

Совет Ватанини астойдил севингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлингиз!

54. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан 80-йилларнинг Тинчлик программаси амалга ошаверсин!

55. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Халқ иши учун мард курашчилар — коммунистларга шон ва шарафлар!

56. Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализми!

57. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг енгилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

58. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини мустаҳкамлашга берган азму қарори!

59. Америка империализмининг кирдикорларига қарши қатъият билан курашаётган қаҳрамон Куба халқига қардошлик саломи!

60. Қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик саломи!

61. Мард Лаос халқига қардошлик саломи!

62. Мустақил, эркин халқ Кампучиясини барпо этаётган Кампучия халқига қардошлик саломи!

63. Апрель революцияси ғалабаларини мардона ҳимоя қилаётган афғон халқига қардошлик саломи!

64. Ўз мустақиллигини, революция ғалабаларини фидокорона ҳимоя қилаётган Ангола халқига қардошлик саломи!

65. Социалистик ўзгартишларнинг революцион йўлини қатъият билан танлаб олган Эфиопия халқига қардошлик саломи!

66. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига қардошлик саломи!

Монополиялар эксплуатациясига ва зулмига қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия учун курашчиларга шон-шарафлар!

67. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган халқларга, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун курашчиларга қардошлик саломи!

68. Империализмга ва ирқчиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган Африка халқларига оташин салом!

69. Империализмга ва реакцияга қарши, ўз мамлакатларининг демократик ривожланиши учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига оташин салом!

70. Фашистлар хунтасига қарши фидокорона курашаётган Чили меҳнаткашларига, барча демократларига қардошлик саломи!

71. Озодлик, демократия, социализм учун курашиб, фашизм зиндоларида азоб чекиб ётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқунларига озодлик!

72. Исроил агрессиясига ва империализм зўравонлигига қарши курашаётган араб халқларига оташин салом!

Совет—араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

73. Европа мамлакатларининг халқлари! Ғарбий Европада Америкининг янги ракета-ядро қуроли жойлаштирилишига қарши курашингиз!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва яхши қўшничилик бўлсин!

74. Осиё мамлакатларининг халқлари! Империализм ва гегемонизмнинг тил бириктирувига қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун курашингиз!

Осиё ишонч ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолсин!

75. Улуғ ҳинд халқига оташин салом!

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

76. Жаҳон халқлари! Империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба берингиз!

Қуролланиш пойгасини жиловлайлик, кескинликни юмшатишни чуқурлаштирайлик, уруш хавфини йўқотайлик!

77. Тинчлик тарафдорлари! Энг улуғ ҳуқуқ — яшаш ҳуқуқи учун муқаддас курашда ўз куч-ғайратларингизни кўпайтирингиз!

Нейтрон қурол ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари тақиқланиши учун изчиллик билан курашингиз! Йўқолсин ядро уруши!

Жаҳонга — тинчлик!

78. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

79. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Тошкент области механизаторлари 9 октябрь куни республикада биринчи бўлиб машинада пахта териш йиллик планини адо этдилар. Қабул пунктларига машиналар ёрдамида ториб олинган 333 минг тоннадан зиёд хом ашё жўнатилди. Бу машинада пахта териш планига нисбатан 100,94 процентни ташкил этади. Ҳар бир машина билан ўртача 120 тоннадан пахта терилди.

Ғалаба, Ўрта Чирчиқ, Коммунистик, Бўка районларининг механизаторлари ажойиб меҳнат муваффақиятларини қўлга киритдилар. Бу районларда тайёрланган хом ашёнинг 86—97 проценти «зангори кема»лар бункеридан бўшатилди.

Эришилган муваффақиятлар ипатоволиклар тажрибаси асосида ташкил этилган терим-транспорт отрядларининг барча звеноларда иш пухта йўлга қўйилганлигининг натижасидир. Область хўжаликларида 300 терим-транспорт отряди юксак унум билан ишлаяпти. Бу отрядларга 2862 пахта териш, 626 кўрак узиш, 826 кўрак чувиш машинаси, 326 механик-подборщик биркитилган. Шунингдек, пахта териш машиналарига техника хизмати кўрсатувчи 300 звено ташкил этилган бўлиб, улар терим техникасини ўз вақтида ремонт қилишни ва бетўхтов ишлашини таъминламоқда.

Область механизаторлари етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нест-нобуд қилмасдан, қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш учун қизғин меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда улар пахтани группа усулида териб олишмоқда. Иккинчи ва учинчи машина теримидан сўнг далаларга кўрак узиш агрегатлари олиб чиқилмоқда ва шу йўл билан далаларни ҳосилдан сифатли тозалашга эришилмоқда.

Область дала гвардиячилари етиштирилган ҳосилнинг камида 85 проценти механизмлар ёрдамида териб олинишини таъминлаш учун актив курашмоқдалар.

„Оқ олтин" кирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 10 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	2,31	94,64	2,79	100,94
Бухоро	2,45	81,38	3,19	67,81
Сирдарё	2,34	68,39	2,67	74,03
Қашқадарё	2,84	65,09	2,61	45,83
Жиззах	3,86	64,76	4,74	73,96
Фарғона	1,91	63,91	1,83	46,49
Наманган	1,90	63,89	2,11	51,49
Сурхондарё	2,01	59,29	1,82	42,88
Андижон	1,94	51,27	2,24	30,20
Хоразм	2,35	38,93	2,46	23,96
ҚҚАССР	2,24	29,74	1,60	14,35
Самарқанд	2,11	29,38	1,76	12,73
Республика бўйича	2,28	58,61	2,44	48,22
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	1,57	75,18	—	50,63
Наманган	2,28	64,90	—	—
Сурхондарё	2,14	50,59	2,32	36,84
Қашқадарё	2,42	28,30	1,34	7,35
Республика бўйича	2,18	46,18	1,77	27,19

КАНОП ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Тошкент области кишлоқ хўжалиги ва луб тайёрлаш органларининг механизаторлари партия XXVI съезди қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларидан келиб чиқувчи вазифаларни амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида мўл канап ҳосили етиштирдилар, уни юксак сифатлар билан ўриб-йиғиб олдилар ва давлатга луб топшириш йиллик планини муддатидан илгари, 1981 йилнинг 10 октябрида бажардилар. Тайёрлаш пунктларига 320,8 минг тоннадан кўп шу қимматли техника экини маҳсулоти келтирилди, унинг 84 процентдан кўпи биринчи сортга қабул қилиб олинди. Гектар бошига 174 центнердан канап поя олинди.

Коммунистик, Ғалаба, Ўрта Чирчиқ ва Бўстонлиқ районларининг канап экувчи хўжаликлари шу меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўрта Чирчиқ районининг лубкорлари айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Улар гектар бошига 191 центнердан канап поя олдилар, давлатга канап поя сотиш йиллик планини 107 процент қилиб бажардилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Ленин номли, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли, Коммунистик районидаги «Политотдел», Ғалаба районидаги «Ленинград», Янгийўл районидаги Ленин номли колхозлар социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилишини таъминлаб, гектар бошига 191—236 центнердан ҳосил олдилар.

Бўстонлик районидаги Жданов номли колхоздан Сергоз Ашбоев, Серибой Ибраев, Мерил Убайдуллаев бошчилигидаги бригадаларнинг, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозидан Абдумўмин Турғунбоев ва Абдураззоқ Курмашев бошчилигидаги, «Ленинский путь» колхозидан Григорий Ким ва Тожикул Ҳоликулов бошчилигидаги, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозидан Эркин Каримов ва Рўзибой Ботиров бошчилигидаги Ўрта Чирчиқ районидаги Герешкова номли колхозидан Малик Тўйчиев бошчилигидаги, Ғалаба районидаги Димитров номли колхозидан Семён Пак бошчилигидаги, «Ленинград» колхозидан Ғаффор Юнусов ва Абил Бойсенов бошчилигидаги бригадаларнинг коллективлари гектар бошига 230—330 центнердан канап поя олиб, рекорд кўрсаткичларга эришдилар.

Ҳосил ўриб-йиғиб олиниши билан бир маҳалда бўшаган ерларни шудгорлаш, 1982 йилда экиш учун канап уруғини янчиш ва ғамлаш ишлари ёвж олдириб юборилди.

ҲАММА—ТЕРИМГА!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ

РЕСПУБЛИКА КОММУНИСТЛАРИ ВА КОМСОМОЛЛАРИ, КОЛХОЗЧИЛАРИ, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини бутун совет халқи билан биргаликда зўр ғайрат ва собитқадамлик билан амалга оширмоқдалар. Улар ленинчи партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилмоқдалар.

Республика саноати тўққиз ойлик плани муддатидан илгари бажарди. Капитал қурилиш самарадорлиги ва сифати ошди. Халқ фаровонлиги муттасил юксалиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам ўз ютуқлари билан хушнуд этмоқдалар. Ҳозирдаёқ дон, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, узум, каноп, пилла, қоракўл тери ва жун тайёрлаш борасидаги социалистик мажбуриятлар анча ошириб бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш илдам суръатлар билан олиб борилмоқда. Деҳқонларнинг маҳорати ва фидокорона меҳнати мужассамлашган Ўзбекистон сахий диёрининг ноз-неъматлари республиканинг, мамлакат индустриал марказларининг меҳнаткашлари дастурхонига кўп миқдорда етказиб берилмоқда.

Йиғим-теримнинг мана шу долзарб кунларида ҳаммамизнинг нигоҳи ажойиб пахтакорларимизга қаратилгандир. Улар Леонид Ильич Брежнев республика олдига қўйган вазифанинг — ўн биринчи беш йилликда пахта етиштиришни анча кўпайтиришни, унинг сифатини оширишни таъминлашдан иборат вазифанинг муҳимлигини бутун ақл-идроклари ва қалблари билан ҳис этдилар. Республика пахтакорлари зардорларча меҳнат қилмоқдалар, ўзларининг ватанпарварлик, интернационал бурчларини фидокорона, ҳалол ва виждонан бажармоқдалар.

Пахта — совет халқининг шон-шуҳрати ва ифтихори, мамлакат экономикасини ривожлантиришга қўшадиган бизнинг салмоқли ҳиссамиздир, давлат экономикасида пахта галлага, металлга, нефтга тенгаштирилаётгани тасодифий эмас. Уни Москва ва Иваново, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тўқимачилик марказлари кутиб туришибди. Шу боисдан пахта етиштиришни кўпайтиришни, тола сифатини оширишни Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг энг биринчи бурчи деб билмоқдалар.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати пахтакорларнинг илҳомбахш меҳнатини юксак қадрламоқдалар. Леонид Ильич Брежневнинг «оқ олтин»ни пахтакорларнинг олтин қўллари яратади», деган самимий сўзлари республикадаги ҳар бир меҳнаткашнинг қалбидан чуқур жой олди. Деҳқонлар партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан илҳомбахш меҳнат қилмоқдалар. Республика пахтачиликни ривожлантиришдаги ғоят катта мураккаб вазифаларни амалга ошириш учун Ватанимизнинг олий мукофоти — Ленин орденига учинчи марта сазовор бўлди.

Ўзларининг шонли анъаналарига содиқ бўлган Ўзбекистон пахтакорлари об-ҳаво шароитлари ниҳоятда оғир бўлган бу йил ҳам социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилишини ғарантиялайдиган мўл ҳосил етиштирдилар. Табиий офат кучларига, кўкламги совуқ ва жалаларга, дўл ва бўронларга юксак даражадаги уюшқоқлик, интизом, ташаббускорлик карама-қарши қилиб қўйилди. Деҳқонларнинг ғайрат-шижоати, тажрибаси ва маҳорати олдида табиий офат ҳам чекинди.

Ҳозир республиканинг пахта далаларида етиштирилган ҳосилни жуда тез ва нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун кураш бир дақиқа ҳам тўхтамаяпти. Терим мавсуми пахта тайёрлашнинг юксак суръатлари билан нишонланди. Мамлакат Ўзбекистоннинг 3,5 миллион тонна «оқ олтин»ини қабул қилиб олди.

Ромитан, Ғалаба, Бўка, Ғиждувон ва Пискент районларининг меҳнаткашлари, ўнлаб колхоз ва совхозлар давлат плани бажарилганлиги тўғрисида ҳозирдаёқ рапорт бердилар. Тошкент области пахтани машинада териш планини адо этди.

«Оқ олтин» терими илғорларига шон-шарафлар бўлсин! Уларнинг намунаси, уларнинг юксак онглилиги ва толмаслиги бошқаларни илҳомлантириб, ўзларига эргаштирмоқда, пахта фронти жангчиларининг шон-шуҳратини оширмоқда!

Барча областларнинг меҳнаткашлари умумдавлат манфаатларини астойдил тушуниш намуналарини кўрсатмоқдалар. Тошкентликлардан кейин Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Сурхондарё ва Андижон областларининг пахтакорлари социалистик меҳнат авангардида бормоқдалар. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ҳамда Самарқанд областларининг колхоз ва совхозлари терим суръатларини кучайтирмоқдалар.

Аммо куз об-ҳавоси деҳқонларни эркалатаётгани йўқ. Қолаверса, кўкламги ва ёзги табиий офатларнинг оқибатлари ҳали ҳамма жойда ҳам батамом тугатилган деб бўлмайди. Баъзи районларда одамлар табиатдан кучли бўлиб чиқдилар, бошқаларида эса табиат устун келди.

Тошкент технологиясига асосланган илғор агротехника ва комплекс механизациянинг янги усулларини излаётган, уларни сабот билан жорий этаётган кишилар табиий офатни енгиб, унинг оқибатларини бартараф этдилар. Эски агротехникага кўникиб қолинган жойларда эса (ўшанда биз гектар бошига 15-20 центнердан ҳосил олиб, пахтани то январгача терардик) бу йил ҳам табиат инжиқликлари одамлардан кучли бўлиб чиқди. Бу эса ҳосилнинг тақдири учун зўр ташвиш туғдирмоқда.

«Оқ олтин» мавсумининг ҳал қилувчи палласи, йиллар ва ўн йиллар тажрибаси билан синалган халқ донишмандлигининг: «об-ҳаво об-ҳаволигини қилади, иш эса ўз йўлига» деган нақлига тўла амал қиладиган пайт бошланмоқда. Бугунги кунда барчанинг ва ҳар бир кишининг аҳиллик билан қилган зардоб меҳнатигина ишнинг муваффақиятини таъминлайди, мўл ҳосилни ёғинсочин бошлангунига қадар йиғиб-териб олиш имконини беради.

Шундай бир шароитда пахта тайёрлаш суръатларини ошириш, мавсумнинг ҳар бир кунидан, ҳар соатидан энг кўп самара билан фойдаланиш бош вазифадир. Ёғинсочин қўшимча қийинчиликларни вужудга келтириб, ҳар қандай бегамлик ҳосилга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши, минг-минглаб кишиларнинг куч-ғайратларини йўққа чиқариши мумкин.

Одамлар билан техникани пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этиш, барча мавжуд резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун ўзимизнинг бутун уюшқоқлигимизни, сабот-матонатимиз, мардлигимизни намоён этиш ҳозир ҳар қачонгидан кўра муҳимдир.

Вақт ғанимат. Вазият шуни қатъий талаб этмоқда: республиканинг барча меҳнаткашлари ҳосил тақдири учун масъулиятни деҳқонлар билан биргаликда ўз зиммаларига олишлари, пахтакорларга ёрдам беришлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча коммунистлари ва комсомолларига, колхозчилари ва совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалик механизаторлари, раҳбарлари ва мутахассисларига, барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, «оқ олтин» ҳосили йиғим-теримида жуда актив қатнашишга, пахта далаларида икки карра, уч карра зўр ғайрат билан меҳнат қилишга даъват этадилар. Бутун ҳосилни сўнгги чаноғигача ғоят қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш, ҳар бир хўжалик, район, область қабул қилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир.

Бунга олиб борадиган йўл фақат битта. Бугун республиканинг ҳар бир аҳолиси — колхозчи ва ишчи, ёзувчи ва олим, инженер ва педагог, хизматчи ва студент, врач ва уй бекаси ҳосилнинг тақдирига шахсан дахлдор эканлигини англаб олиши, «оқ олтин» учун жангдаги ўз ўрнини виждон амри билан белгилаши, жон-тани билан пахтакор бўлиши керак. Мана шу ҳал қилувчи кунларда ҳамма, айнан ҳамма далага чиқиши лозим. Бугунги кунда бизнинг битта энг асосий вазифамиз, мамлакат олдида битта масъулиятимиз бор: у ҳам бўлса пахтадир!

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари!

Етиштирилган аъло даражадаги ҳосилда сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, қалбларингизнинг ҳарорати ва қўлларингизнинг маҳорати мужассамдир. Мана шу чинакам баҳодирона етиштирилган ҳосилнинг лоақал бир чаноғи ҳам нобуд бўлишига йўл қўйиш мумкинми ахир! Ҳозир ҳамма нарсага бардош бериб «оқ олтин» теримида сизлар ҳосилни яратишда қандай фидокорона меҳнат қилган бўлсангиз худди шундай фидокорлик билан меҳнат қилиш керак. Ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, кўпмингкилограммчилар сафини кенгайтиринг-из, юксак меҳнат унумдорлиги учун, ҳар бир киши мавсум давомида камида 10-12 тонна пахта териши учун курашингиз! Ҳар бир теримчи кунлик пахта териши фақат бир килограмм ошириса республика хирмонига 5-8 минг тонна кўп пахта қўшилади.

Механизаторлар! Тошкент областининг шавкатли дала гвардиячиларига тенглашингиз. Ишчилар синфи сизларга ажойиб техникани бериб қўйган. Ишчилар синфи ана шу буюк кучни ўз баҳодирларига, дала гвардиячиларига ишониб ишларингизни халқ унутмайди. Халқ сизларнинг имкониятларингизни билади ва сизларни севади. Ана шу меҳр-муҳаббат ва ишонч зиммангизга кўпгина мажбуриятлар юклайди, бугун эса даставвал ҳосил тақдири учун юксак масъулият юклайди. Пахта териш ва кўсак узиш машиналари, кўран чувиш машиналари, барча терим ва транспорт машина-механизмлари куну тун ишлаши керак. Ҳар бир механизатор, барча бригадалар ва звенолар, ҳамма хўжаликлар ва районлар пахтани машинада териш мажбуриятларини адо этсин!

Колхоз ва совхозларнинг, бўлимлар ва бригадаларнинг раҳбарлари! Қишлоқ хўжалик мутахассислари! Ишчи кучи ва техникани аниқ ва чаққон ишлатингиз, улар учун иш жойларини барвақт ҳозирланглиз, комплекс звенолар ва терим-транспорт отрядларининг ишини ташкил этишни такомиллаштирингиз! Пахта теримида ипатоволиклар методини кенг жорий этингиз, мусобақа илғорларини маънавий ҳамда моддий рағбатлантиришнинг барча форма ва методларини моҳирлик билан қўлланг. Шаҳарликларнинг ёрдамидан самарали фойдаланингиз, далаларда зардорларча ишлашлари учун уларга барча шарт-шароитларни яратиб берингиз!

Шаҳарлар ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчи ёшлар! Сиз шу масъулиятли дамда қалб даъватига, бурч амрига кўра пахтакорларга ёрдам бергани келдингиз. Сиз қийин дақиқаларда ҳамиша шундай қилиб келгансиз. Бугун ҳам шундай дамлар етиб келди. Пахта даласи сизларнинг ҳаммаларингизни — пахтакорларнинг ишонган дўстлари ва содиқ ёрдамчиларини кутмоқда.

Коммунистлар ва комсомоллар! Улуғ Ленининг бизда бирдан-бир интиёз бор — у ҳам бўлса қийинроқ жойда бўлиш, олдинда бориш, ўрнак кўрсатиш, бошқаларни эргаштиришдир, деган сўзларини бирон дақиқа ҳам унутмайлик. Бугунги кунда ҳам сиз фидокорлик, уюшқоқлик намуналарини, қўлда пахта теришда ҳам, терим машиналарининг штурвалларида ҳам, хулас йиғим-терим конвейерининг ҳамма бўғинларида маҳорат намуналарини кўрсатишингиз лозим. Далада ҳам, юксак раҳбарлик лавозимида ҳам шахсий ўрнак кўрсатиб, теримчиларни зардоб меҳнатга руҳлантиринг! Йиғим-теримнинг ҳамма участкаларида бугун сиз учун бундан фахрлирок бурч йўқ!

Партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари! Ҳосил йиғим-теримида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий иш савиясини, юксак терим суръати ва пахта сифати учун социалистик мусобақанинг ошқоралиги ва таъсирчанлигини оширингиз! Етиштирилган бутун пахта сўнгги чаноғигача терилиб, давлат хирмонида пишиқ-пухта асралиши керак. Сиз шундай пировард натижани таъминлашингиз лозим!

Пахта тозалаш саноати ходимлари! Қайта ишлаш конвейери ҳамма бўғинларининг ишини бутун чоралар билан такомиллаштирингиз, пахтани қабул қилиш, қуритиш, тозалаш ва қайта ишлашни яхшиланг ва жадаллаштирингиз. Жамики қуритиш, тозалаш цехлари кечаю кундуз ишлаб туришини таъминланг!! Машинада терилган пахта потокнинг ўзида қайта ишланмоғи учун ҳамма резервларни сафарбар этингиз. Бу эса тола сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Бугунги кунда ҳаммамизнинг пахтакор деган умумий ва фахрли номимиз бор. Ватан биздан жасорат кутмоқда. Машина штурвалини бошқаришга, этак тутишга қодир ҳар бир киши пахта теримчилари сафига ўтиб, тўла самара билан ишлаши керак. Ҳамма куч-қувватларни «оқ олтин» теримига сафарбар этайлик!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети етиштирилган бутун пахта ҳосилини нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш учун республиканинг барча меҳнаткашлари куч-ғайратларини аямайдилар, деб қаттиқ ишонадилар.

Ватанга камида 6 миллион тонна Ўзбекистон пахтасини берамиз! Бу республика меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди тарихий қарорларига энг яхши жавоби, Улуғ Октябрь байрамига, СССР ташкил этилган кунинг яқинлашиб келаётган 60 йиллигига муносиб совғаси бўлади.

Ҳамма пахта теримига!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ХИРМОНИ ЮКСАЛМОҚДА

Эркин Рўзиев пахта теримининг кунлик рекордини кўйди. Унга соат совға қилишди. Шундайгина даланинг ўзида. Табриклашди. Яна шуни айтишдики, бир кунда у терган пахта 19 тонна бўлибди, яъни у уч кишининг ишини бажарибди!

— Пискентда эса, варақада ёзишларича, Қўчқор Раҳимов йиғирма тонна терган, — деди тантана айбдори ва қўшни Пискент райони далалари жойлашган томонга кўрсатиб. — Мана кимга офарин дейиш керак!

Сўнгра у шундай деб қўшиб қўйди:

— Нима учун сиз бир кунда терди деясиз? Тунни нима учун ҳисобламаяпсиз?

Мен унинг машинасини кўздан кечира бошладим. Олдида ҳам, орқасида ҳам, икки ён бошида ҳам фаралар ўрнатилган. Рўзиев изоҳ бера бошлади:

— Тунда эратга кириш осон. Ён томонингда эса шудринг ҳам яхши кўринади. Агар у кечроқ тушгудек бўлса, тунги соат биргача ишлайман.

Рўзиев — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозидан. Унинг машинаси икки қаторли. Бундай машиналар пахта далаларида бугунги кунда жуда кўп. Иш қўнимкаси ҳам старли. Бунгача у ҳайдовчи эди, комбайнга эса бу йил ўтирди. Қарабсизки, ҳадемай рекорд ҳам қўйди.

— Ишнинг бутун боришидан, — деб изоҳ беради у, — зардорларча ишлаш кераклигини тушундим. Йиғим-терим ҳамма нарсани ҳал қилади!

Рўзиев билан Раҳмон Султонов ва Турунбой Турамбоевларнинг экипажлари пахта теришаётган бригаданинг бошлиғи Кан О-Нам ана шу «ишларнинг борши» ҳақида шундай хотирлайди: апрель ва майда жала қуйди, июнда дўл ёғди, июлда (ҳатто июлда ҳам!) ҳарорат ҳеч кўтарилмади. Одамнинг руҳи тушиб кетиши мумкин эди. Бироқ фақат пахтакорларнигина эмас, албатта. Бунинг устига бригадирнинг — СССР Олий Совети депутатининг руҳи тушиши мумкин эмасди. Далага челакларда тўнғ ташишди, уни эгатлар устига сепиб чиқишди. Бригаданинг 140 гектар ерига минг тоннадан кўпроқ тўнғ солинди. Сувни ўз вақтида тўхатишди. Ўз вақтида дефолиация қилишди. Энди ҳамма нарсани комбайнчилар ҳал қилишарди.

Улар ўзларининг яхши ишлашларини кўрсатишди. Иш шундай даражада ташкил этилганки, бундай ҳосилни йиғиб олишнинг ўзи кишига олам-олам қониқиш бахш этади. Машиналарнинг биринчи ўтишидаёқ бригада гектаридан пландан ошириб ўртача 36 центнердан ҳосил йиғиб олди! Энди эллик центнерни, колхоз эса эса 40 центнерни кўзламоқда.

— Ҳозир бу колхозга ҳам, умуман районга ҳам яна нима мадад берилди, дерсиз? — дейди Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев. — Бизнинг пахтадан бўлак ҳеч қандай ташвишимиз йўқ. Бошқа — дон, каноп, мева, сабзавот тайёрлаш планларининг ҳаммаси пахта йиғим-терими бошлангунига қадар бажариб бўлинди. Бундан ташқари асосий нарса одамларимизнинг ишга фидойилиги ва ташаббускорлиги бўлмоқда.

Пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси вақтни бекорга ўтказишга мажбур бўладиган жой ҳам борки, у терим аппаратларини ювиш пайтидагина содир бўлмоқда. Шундай қилмаса ҳам бўлмайди, ахир. Шиндель барабанлари тиқилиб қолиб, пахтанинг ифлосланиш даражаси ошиб кетади, анчагина қисми ерга ҳам тўкилади. Терим қоидаларига кўра ҳар смена 6-8 марта ювиб туриш мўлжалланган. Олдинги йилларда чиқарилган машиналарда эса бу ҳар бир ювиш жараёни учун йиғирма беш минут вақт сарфланади, дегани.

Кези келганда нима учун бунга озроқ вақт сарфлаш мумкин эмас, деган савол туғилади. Охунбобоев номли колхозда бош инженер Палладий Тин, устахона мудири Ермахан Холенов ва механик Рўзмат Дўсовлардан шу ҳақда сўрадик. Улар чопиқ тракторининг орқа ўқига темир уголоклардан «саласкалар» осиб, уларга сув помпаси ўрнатдилар. Уни орқа редукторлан ишлайдиган қилиб, қайиш билан боғладилар. Насоснинг ороти кўтарилди.

Бу пайтга келиб, чопиқ тракторларининг кўпчилиги бўш бўлади. Бирданига 15 тасини — ҳар бир бригадага биттадан қилиб қайта жиҳозланди. Пахта териш машинаси ювиш учун тўхтаб, дегунча ювгич трактор дарҳол унинг ёнида ҳозир бўлади. Ҳар бирига биттадан созловчи-слесарь қўйилган. Шлангнинг сўргич томони ариққа ташланади (унга муайян дала учун график бўйича махсус равишда сув қўйилган бўлади ва сувни ташишга ҳожат қолмайди), пўлатдан ясалган пуркагич томонини эса ишчи терим машинасининг барабанига қараб йўналтиради. Уч минут вақт ўтди дегунча шпинделлар топ-тоза бўлади. Шу орада механик-ҳайдовчи ҳам озгина ором олишга улгуради.

Ҳозир пахта далаларида ҳар бир машина учун, ҳар бир дақиқа учун чинакам кураш кетаётганини таъкидловчи яна бир деталь диққатга сазовордир. Охунбобоевлик механизаторларнинг яратган янгилиги омилкор одамлар нигоҳидан четда қолмади — бу ерга ўша заҳотиёқ «Сельхозтехника» ходимлари етиб келди. Телевизор экранидан берилган маҳаллий янгиликлар кечки программасида бу ҳақда ҳикоя қилиб беришди. Эрталаб эса газеталарда мутахассис маслаҳати ҳамда тегишли чизмалар босилиб чиқди.

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, — қисқагина қилиб хулосалади Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. Мусахонов. — Янги технология ишнинг янгича ташкил этилишини тақозо қилади!

Бу суҳбат Тошкентдаги сиёсий маориф уйининг вестибюлида бўлиб ўтяпти. Бу ерда область пахта штаби жойлашган. Чиндан ҳам уни штаб деб аташ мумкин. Чунки унинг жиҳозлари орасидаги асосий нарса ҳам барча районлар билан бевосита алоқа ва деворларга осилган карталардир. Тўғрироғи, карта-диаграммалардир. Уларда фақат областда бир кун мобайнида бажарилган ишлар — теримда қатнашган машиналар ва одамлар сони, уларнинг кунлик иш унуми ва ҳоказоларгина аниқ кўрсатилиб қолмасдан, балки улар ўтган мавсумларнинг кўрсаткичлари билан, белгиланган график билан таққосланди, қаерда бўшашувчилик мавжуд бўлса, қаерда резервлар бор бўлса, ўз вақтида айтиб турилади.

Кейинги йилларда Тошкент областининг пахта далаларида қарор топган иш услуби партиямизнинг XXVI съезди қарорларида мўлжалланганидек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига индустриал технологияни планли равишда ва кенг миқёсда жорий қилишга йўналтирган-дир. Пахтачиликнинг энергия билан таъминланганлиги даражаси жуда ҳам юксак. Ў барча дала ишларини ўз муддатида ва қойил қилиб бажариш имконини беради. Гап фақат шунга эришишдагина қолган.

Пахтачиликдаги янги технологияни ҳақли равишда Тошкент технологияси деб аташди. Пахтакорлар ҳали бутун ҳосилни қўл кучи билан териб олишаётган йилларда — яқинигинада ҳам терим муддати гўзанинг ривожланиш муддатига баравар бўлади, яъни ҳосил уч ой давомида етиштирилади ва уч ой давомида йиғиб олинади, деган сўзларга ҳеч ким эътироз

БУГУН—БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ИНТЕНСИВ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Бугун—Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари куни. Бу кунни бутун мамлакатимиз меҳнат аҳли катта байрам сифатида нишонларкан, партиямизнинг озиқ-овқат программасини ҳаётга татбиқ этиш — аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат билан, саноатни эса қишлоқ хўжалик хом ашёси билан узлуксиз таъминлаб туришдан иборат олижаноб мақсад йўлида ўзининг бутун куч ғайратларини, бутун орзу-ниятларини сафарбар этаётган кишиларни шарафламоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўзларининг байрамини яхши натижалар билан кутиб олмоқдалар. Улар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун дала ва фермаларда, боғлар ва полизларда фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар, социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар.

Ҳозир пахта далаларида иш айни қизиган палла. 5 миллиоон 900 минг тонна Ўзбекистон пахтаси учун курашнинг энг масъулиятли, ҳал қилувчи босқичига қадам қўйдик. Республика пахтакорлари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун курашни тобора авж олдириб, бугунги кунга қадар Ватан хирмонига 3 миллион 400 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» уйдилар. Бунинг қариб 190 минг тоннаси қимматбаҳо ингичка толали пахтадир.

Улкан хирмон учун бошланган умумхалқ мусобақасида Тошкент областининг пахтакорлари пешқадамлик қилишяпти. Улар республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари ҳақида галаба рапортига имзо чекишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Область колхоз ва совхозлари тайёрлов пунктларига 425 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб бердилар. Бунинг 83 процентини машиналарда терилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўртача 30 центнерни ташкил этди. Бу ютуққа пахта етиштиришнинг «Тошкент технологияси» деб аталган ва моддий ресурслар ва ишчи кучларидан ҳар бир даланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланишга асосланган илғор технологияни кенг қўллаш туфайли эришилди. Бу технология Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Йиғим-терим муддатларини қисқартириш мақсадида бутун техника воситалари, область бўйича ташкил этилган 300 дан кўпроқ терим-транспорт отрядларига биркитилди.

Пахтакорлар мусобақасида Бухоро, Сирдарё, Фарғона, Наманган ва Қашқадарё областларининг меҳнаткашлари ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Ромитан, Ғалаба, Бўка, Ғиждувон ва Пискент районларининг, неча ўнлаб колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари изидан давлатга пахта топшириш йиллик планларини бажарганликлари ҳақида Когон, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон, Пешқу, Қизилтепа, Бойсун, Киров, Ленинград ва бошқа районларнинг пахтакорлари ҳам галаба рапортларига имзо чекишга шайланмоқдалар. Коммунистик, Олот, Бухоро, Бувайда, Ўзбекистон, Тўрақўрғон, Наманган, Комсомолобод ва бошқа катор районларнинг пахтакорлари ҳосил йиғим-терими суръатини тобора кучайтирмоқдалар.

Пахта йиғим-терими республикамиз механизаторлари алоҳида намуна кўрсатишяпти. Задарё районидаги Ильич номли совхозидан Абдусалом Қодиров, Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозидан Ҳолмўмин Сафаров ва Хўжамқул Рустамов, Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозидан Саттибой Шокиров, ҳозиргача 400 тоннадан ва ундан ошириб пахта териб қўйишди. Сариосиё районидаги Охунбобоев номли колхознинг кўпмингкилограммчи теримчиси Саида Ҳасанованинг мавсум бошидан буён қўлда терган пахта хирмони 12 минг килограммдан ошиб кетди.

Республикамиз ғаллакорлари эришаётган ютуқлар ҳам қувончлидир. Улар она-Ватан хирмонига бир миллион тоннадан ошиқ дон етказиб бердилар. Бухоро ва Фарғона областларининг колхоз ва совхозлари давлатга икки йиллик план миқдорида ва ундан кўпроқ дон топширдилар. Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё областларининг ғаллакорлари эришган ютуқлар ҳам мақтовга лойиқ.

Бу йил ипакчиларимиз ҳам яхши ишладилар. Ўзбекистон пиллакорлари жами 32 минг тоннадан кўпроқ, яъни планда мўлжалланганидан 17,1 процент кўп пилла тайёрладилар. Байрамни республикамиз чорвадорлари ҳам яхши ютуқлар билан кутиб олишмоқда. Қатор колхоз ва совхозлар чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш йиллик планларини бажарганликлари ҳақида ҳозирнинг ўзидаёқ рапорт беришмоқда. Сабзаводчилар, боғбонлар ва сўҳибкорлар ҳозирга қадар 2 миллион 900 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлаб, бу соҳадаги планларни деярли барча кўрсаткичлари бўйича бажариб қўйишди. Бунда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш бўйича мамлакатимизда биринчилардан бўлиб таркиб топган агросаноат комплекси ҳосил берилмиш бизнинг Мева-сабзавот хўжалиги министрлигимиз қарамоғидаги корхоналарнинг 200 мингдан кўпроқ меҳнатчини бирлаштирган коллективлари қўшган ҳиссаси ҳам салмоқлидир. Ҳозир республикамизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотининг қариб ярмини шулар етиштирмоқда. Министрлик қарамоғидаги совхозларда қариб 1 миллион 200 минг тонна мева-сабзавот ва узум тайёрланди ҳамда умумиттифоқ фондига 95 минг тоннадан кўпроқ маҳсулот етказиб берилди. Министрлик бўйича саноат ишлаб чиқариши, капитал қурилиш, товар оборотн ва бошқа соҳалардаги планлар ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларига асосан биз ўн биринчи беш йилликда олдимизда жуда катта вазифалар турганлигини яхши англаймиз. Беш йиллик охирига бориб, республиканинг асосий мева-сабзавот етиштирувчи тармоғи сифатида бизнинг министрлигимиз қарамоғидаги хўжаликларда сабзавот, картошка, полиз маҳсулотларини, мева ва узум етиштириш 1,7 баробар кўпайиши, яъни жами бир ярим миллион тоннага етиши, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 1,4 баробар кўпайиши лозим. Бу вазифа асосан агросаноат интеграцияси, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, концентрациялаш ва интенсивлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш нетизида ҳал этилиши мумкин ва лозим. Айниқса аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжини ўзимизда етиштириладиган ҳосил ҳисобига қондириш борасида кўпгина ишлар қилишимиз керак. Беш йиллик мобайнида министрлигимиз хўжаликларида картошка етиштириш 2,5 баравар кўпайтирилиши лозим. Яқин йиллар ичида узум етиштириш ҳажмини биргина бизнинг министрлигимиз доирасида 1 миллион тоннагача, кишмишни 70 минг тоннагача кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан биргаликда уни истеъмолчига исроф қилмасдан, харидоргирлик сифатини йўқотмасдан етказиш ҳам асосий вазифалардан биридир. Шунинг учун ҳам беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалик тармоқларини ривожлантириш билан биргаликда министрлигимизнинг маҳсулотни қайта ишлаш тармоғини ҳам кенг ривожлантириш мўлжалланмоқда. Кўпгина ишлаб турган корхоналарнинг реконструкция қилиниши, қатор янги консерва ва виночилик заводларининг қурилиши, маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган кичик-кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш, сабзавот ва мева омборлари ва музхоналари қувватини ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар ана шу мақсадга қаратилгандир.

Министрлик коллективи ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва шу жумладан 1981 йилга мўлжалланган план ва мажбуриятларни бажариш юзасидан конкрет чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Саноат маҳсулоти реализация қилиш йиллик планини муддатидан олдин — 26 декабрда бажаришга аҳд қилганмиз. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари қариб бир миллион тонна мева-сабзавот маҳсулоти ва 90 минг тоннага яқин сут ва гўшт етиштириш мақсадида ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Улар партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини интенсив юксалтириш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлигига жавобан зиммаларига олинган мажбуриятларни шараф билан бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада авж олдираверадилар.

О. АЛИМОВ,
Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министри.

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

Пахтакорларга савдо хизмати

Республикамиз пахта далаларида 5 миллион 900 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун курош кетмоқда. Бу умумхалқ ишидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Пахтакорларга, «зангори кема»ларни бошқарадиган механизаторларга мададкор бўлиш, уларнинг қимматли вақтларини тежаш, узоғини яқин, оғирини енгил қилиш — хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг шарафли бурчидир.

Айниқса, савдо хизмати намунали бўлмоғи керак. Бу савдо ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу долзарб дамларда далада, пахтазорда меҳнат қилаётган ҳар бир киши ўзи учун зарур бўлган нарсаларни даланинг ўзида харид қилиб олиши учун, уларнинг қимматли вақтлари беҳуда кетмаслиги учун ҳамма чораларни кўриш керак. Бунинг учун далада савдони намунали йўлга қўйиш, сотувчисиз дўконлар, кўчма магазинлар аҳоли учун зарур бўлган товарлар билан узлуксиз таъминланишини мунтазам контрол қилиб бориш, кўчма магазинлар ҳаракат графигига қатъий амал қилишини таъминлаш талаб қилинади.

Далада ишлаётганлар учун иссиқ овқат ташкил этиш, пахтакорларни чой, ҳўл мева, қовун-тарвуз билан таъминлаш савдо ходимларининг зиммасидаги вазифадир.

Афсуски айрим жойларда пахтакорларга савдо хизмати кўрсатиш юзасидан пахта йиғим-терими мавсуми тадбирлари бажарилмай қолмоқда. Қишлоқ магазинларида гўз, гугурт, чой, макарон каби кундалик эҳтиёжга зарур моллар билан савдо қилишда узилишга йўл қўйилмоқда. Матбуот жамиятлари ва союзлари раҳбарлари омборларда етарли миқдорда мавжуд бўлган бундай товарлар магазинларга вақтида етказиб берилишини контрол остига олмаётирлар.

Теримчилар, механизаторлар, транспорт ҳайдовчилари, пахта терими ва тайёрлаш ишларида банд бўлган ҳар бир киши унумли меҳнат қилиши учун ҳамма шароитни яратиб бериш хўжалик раҳбарларининг, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг, маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари ва депутатларнинг диққат марказида бўлсин. Сурхондарё области Шеробод районн хўжаликларида пахтакорлар эҳтиёжларини қондиришга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Дала шийпонлари мавсумга тахт қилинмаган. Бунинг устига пахтакорларга савдо хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган. «Шеробод» совхози айрим бригадаларида эса ҳатто тушлик иссиқ овқат ташкил этилмаган. Бундай нуқсонлар терим суръати ва сифатига салбий таъсир қилишини унутмаслик керак.

Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари пахтакорларга савдо хизматини яхшилаш, савдо маданиятини ошириш борасида кўп иш қилишлари мумкин. Илғор савдо ходимлари тажрибасини оммалаштириш, пахтакорлардан саноат ва озиқ-овқат товарлари учун бевосита даланинг ўзида буюртма қабул қилиш ва келтириб бериш, меҳнаткашлар эҳтиёжларини пухта ўрганиш ва тўла қондириш каби муҳим ишлар ижроия комитетларининг, депутатларнинг диққат марказида бўлмоғи лозим. Шундай қилиш керакки, 5 миллион 900 минг тонналик «оқ олтин» хирмони тақдирини ҳал қилаётган заршунослар эҳтиёжлари тўла қондирилсин, улар халқ ғамхўрлигини ҳамиша сезиб турсинлар.



СССР Ёзувчилар союзи, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи ҳамда «Дружба народов» журнали уюштирган «Даврa столи» атрофида суҳбат қатнашчилари Тошкент области далаларида бўлиб, Ғалаба районининг пешқадам пахтакорлари билан учрашдилар.

Суратда: «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг илғор механизатори Тўлқин Эрназаров ўз меҳнат муваффақиятлари ҳақида ёзувчилар — Ота Отажонов (Ашхабод), Сарвар Азимов (Тошкент) ва Сергей Баруздин (Москва)га гапириб бермоқда.

Р. Шагаев фотоси (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● Республика меҳнаткашлари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кунини ҳосил йиғим-теримида баракали меҳнат қилиш билан нишонлаяптилар. 10 октябрга республика бўйича 3.423.114 тонна, шу жумладан 170.857 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Машиналар бункеридан мавсум бошидан буён 1.866.296 тонна хом ашё бўшатилди. Бир кунда тайёрланган хом ашё 133.427 тоннани ташкил этди.

* * *

Бир қатор областларда бўлиб ўтган ёғингарчилик шуни эслатмоқдаки, пахтакорлар пахтаёридаги ғаниматт кунлар тобора оз қолмоқда. Октябрь ойининг ҳар бир куни ва соатидан самарали фойдаланиб, ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай, йиғиб-териб олайлик. Бунинг учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилиши зарур.

* * *

Бухоро областида икки район, олти совхоз, 15 колхоз, 21 бўлим ва 490 бригада пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли бажарди. Терим суръати ҳамон юксак. 9 октябрь куни область далаларида 2806 машина ишлатилди.

Пешқу районида терим техникасидан, айниқса унумли фойдаланилмоқда. Бу ерда ҳар бир агрегат билан кунига 6 тоннадан пахта терилаётир.

Энг шимолий зонада жойлашган хўжаликларден бири—Навоий районидаги «Нарпай» совхозида йиғим-терим механизация ёрдамида муваффақиятли ўтказилялти. Совхоз далаларида мавжуд 44 та агрегатнинг ҳаммаси ишлатилмоқда. Улар ёрдамида ҳосилнинг 90 процентн йиғиб олинади.

* * *

Қашқадарё области меҳнаткашлари бир кунда қариб 16 минг тонна пахта тайёрладилар. Шунинг 9 минг тоннадан кўпроғи машиналар ёрдамида териб олинди.

Чироқчи районидаги «Коммунизм» совхози қабул пунктига 2.400 тонна биринчи сорт пахта топшириб, йиллик планни адо этди. Хўжалик заршунослари ялпи ҳосилни 3 минг тоннага етказиш мажбуриятини олишди.

* * *

Қўрғ «Ленинград» совхози Бекобод районида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини адо этди. Ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил кўтарилиб, қабул пунктларига 3.800 тонна «оқ олтин» топширилди.

Хўжалик аъзаматлари ҳосилдорликни 39 центнерга етказиш ва давлатга яна 2.200 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

* * *

Сурхондарё области дала гвардиячилари мусобақасида Жарқўрғон районининг «зангори кема» капитанлари пешқадамлик қилмоқдалар. Бу ерда ҳар бир агрегатнинг кунлик иш унуми 3,2 тоннани ташкил этаётир.

Ленин йўли районида Охунбобоев номли совхоз механизатори Шайдулла Хуррамов ва Ленин номли совхоз механизатори Оллоберди Хўжаёров шарафига байроқ кўтарилди. Бу пешқадам механизаторлар мавсум бошидан буён 500 тоннадан ошириб пахта теришга эришдилар.

* * *

Косон районидаги Худойбердиев номли совхозда ҳосил йиғим-терими «дала-бункер-тележка-қабул пункти» технологияси асосида ташкил этилган. Хўжаликда тўрт терим-транспорт отряди ишлаб турибди.

Унинг составида 29 пахта териш машинаси, 60 тележка ва бошқа зарур техника воситалари бор. Қабул пунктларига ҳар куни 140-150 тонна биринчи сорт хом ашё жўнатилмоқда. Мавсум бошидан буён ҳар бир агрегат билан 105 тоннадан ошириб пахта терилди.

* * *

Шовот районидаги Чкалов номли колхознинг Пўлат Маткаримов бошлиқ бригадаси ҳар гектар ердан 65 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқда. Бригада аъзаматлари 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, дастлабки маррани эгаллардилар.

Ҳосилнинг ҳаммаси машиналар билан териб олинди. Бригада саркорининг ўзи агрегат бункериден 100 тонна хом ашё бўшатди.

* * *

Октябрь районидаги Файзулла Хўжаев номли кўриқ совхоз меҳнаткашлари йиллик топшириқни адо этдилар.

Давлат хирмонига 3.700 тонна пахта топширилди. Хўжалик заршунослари қабул пунктларига яна 1.300 тонна хом ашё топшириш мажбуриятини олдилар.

* * *

Олтиариқ районн пахтакорлари машина теримини авж олдирмоқдалар. Бу ерда ҳар куни йиллик машина теримн планининг 2,5 процентн миқдорида пахта тайёрланяпти.

Кўплаб «зангори кема»ларни қизлар бошқаришмоқда. «Комсомол» колхозидан Ҳамидахон Тожибоева, «Ленинизм» колхозидан Сабохон Йўлдошева каби механик-ҳайдовчилар 100 тоннадан пахта тердилар.

* * *

Амударё районидаги Тельман номли колхозда Айтбой Аметов бригадаси гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Бригада заршунослари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш мажбуриятини олишди.

Нукус районидаги «Россия» совхози шоликорлари мусобақани авж олдирмоқдалар. Утаниёз Султониёзов бригадаси хўжаликда биринчи бўлиб давлатга дон топшириш планини бажарди. 115 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,2 центнердан шоли ҳосили ўриб-янчиб олган бригада аъзаматлари ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга қарор қилдилар.

ТЕХНИКА МАДАДКОР

Қўрғ Элликқалъа районн хўжаликларида терим суръати тобора авж олмоқда. Белгиланган графикларнинг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш учун мавжуд резерв ва имкониятлар ишга туширилятпи. Норма бажармаган бironта ҳам механик-ҳайдовчи, теримчи бўлмаслигига эришилаётир. Бу борада ўзаро социалистик мусобақанинг ошкоралигн, оммавийлиги яхши самара бермоқда.

Сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида район пахтакорлари ва райондаги «Москва», Оржоникидзе номли совхозлар, «Ленинград», «Дўстлик» колхозлари заршунослари йиғим-теримда ажойиб ғалабаларга эришганликлари учун Қорақалпоғистон область партия комитети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва автоном республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирландилар.

— Терим суръатини яна ҳам оширамиз, — деди суҳбат чоғида байроқдор «Москва» совхозининг директори С. Раҳмонов, — ҳар куни йиллик планнинг 4,5—5 процентн миқдорида пахта тайёрлашга эришмоқдамиз. Йиллик пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 20 иш кунида бажаришга ҳаракат қилямиз. 950 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганмиз. Бу мажбуриятимизни, албатта, шараф билан бажарамиз. Ялпи ҳосилнинг камида 90 процентини фақат «зангори кема»ларда териб оламиз.

Дарҳақиқат, машиналар шарофати, механизаторлар шижоати туфайли район хирмонн тобора кўкка бўй чўзмоқда. «Октябрь 60 йиллиги» совхозида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, донгдор механизатор Искандар Қаландаров биринчи йиғим-терим транспорт группасига раҳбарлик қилмоқда. Унинг группасига механик-ҳайдовчилардан Жумабой Ражабов, Худойберган Ражабов, Роҳат Абдуллаевлар биркитилган. Уларнинг ҳар бири сменада 18-20 тоннадан «оқ олтин» тўкиб, социалистик мусобақада биринчиликни қўлдан бой бермаяптилар. Группа механизаторлари мавсумда 2 минг тонна «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олишган. Ҳозиргача уларнинг терган «оқ олтин»и 600 тоннадан ошиб кетди.

Район хўжаликларида тузилган 10 дан ортиқ оилавий экипажлар аъзоларининг иши айниқса унумли бўляпти. СССР Олий Совети депутати Жамила Бекжонова эри Абдулла Искандаров, укаси Ўктам Султоновлар кунига 34 тонна «оқ олтин» териб, автоном республикада энг юқори кўрсаткичга эришмоқда. Уларнинг шу кунгача терган пахталари 200 тоннадан ошди. Совхоз комсомол комитетининг секретари Зухро Маткаримова эри Қодир Рўзимбетов билан мавсумда 600 тонна «оқ олтин»тўкишга қарор қилишган. Кунн кеча иккаласи бир кунда 24 тонна «оқ олтин»ни пўлат этаклардан тўкишди. Маккажўхорикор комсомолёшлар бригадаси бошлиги Тожигул Исмоилова эри Комил Ҳакимбоев билан биргаликда машина билан ҳар куни 28 тоннадан «оқ олтин» теряпти.

Пахта йиғим-терими энг қизғин палларга кирди. Ғаниматт дақиқаларнинг қадрига етиб, техника қудрати билан терим суръатини оширишга ва ўзаро механизаторлари янги-янги зафарларни қўлга киритмоқдалар. Кунига пландаги 850-900 тонна ўрнига 1450-1550 тонна пахта тайёрланаётир. Бу йиллик планнинг 3,5-4 процентига тўғри келади.

Улуг Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигини камида 60 минг тоннаник улкан хирмон билан кутиб олишга қатъий бел боғлаган район пахтакорлари далаларида терим тобора қизитилаётир.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЕШҚАДАМЛАР РАПОРТИ

КИТОБ. Район чорвадорлари давлатга гўшт топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Қабул пунктларига 2090 тонна гўшт етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 20 тонна кўпдир. К. Маркс номли, Қуйбишев номли, Навоий номли, Улуғбек номли колхозлар, Охунбобоев номли, «Қишлиқ», «Партия XIX съезди», «Зарафшон» совхозлари районнинг галабасига ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

* * *

ОҲАНГАРОН. Райондаги «Ғаллақудуқ» совхозида сигирлардан сут согиб олиш йилдан йилга кўпайтирилмоқда. Миришкор чорвадорлар бу йил ҳар бош сигирдан плондаги 3300 килограмм ўрнига 4500 килограммдан сут согиб олишга аҳд қилдилар. Мажбурият муваффақиятли бажарилятпи. Шу кунгача давлатга 600 тоннадан кўпроқ сут топширилди. Сигирлардан кўп ва сифатли сут согиб олишда Вера Ходиева, Дариха Тулебаева, Мизғул Согиндиқовалар пешқадамлик қилишяпти.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

* * *

РИШТОН. Сўх матлубот жамиятининг ёрдамчи хўжалиги коллективи чорва молларини меҳр билан парваришлаб, аҳолига 20 тоннадан кўпроқ сут, 30 тоннага яқин гўшт армуғон этдилар. Гўштга сўйилган ҳар бош қорамол 550—600 килограмм, қўй 60—70 килограмм тош босди.

У. ҲАМДАМОВ.

* * *

УЛЬЯНОВ. Райондаги «Партия XXIV съезди» совхози чорвадорлари шу кунгача 10 минг тоннага яқин силос, деярли шунча сенаж, 650 тонна сомон, 300 тонна беда уни тайёрлаб қўйдилар. Ем-хашак тайёрлаш бригадаларининг аъзолари суръатни тобора кучайтириш билан тайёрланган хашакни майдалаш, қишлов жойларига ғарамлаш ишларини ҳам жадаллик билан олиб бормоқдалар.

К. МАВЛОНОВ.

* * *

Шунингдек, жамоатчи мухбирлардан В. УСМОНОВ, М. БАДАЛОВ, Ш. МАҲМУДОВ, И. НИШОНОВ, А. САЙИДАҲМЕДОВ, М. АЛИБОБОЕВ, А. ИМОМОВ, С. ҲАЙИТОВ, Н. АБДУРАИМОВА ўртоқлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

99 ПРОЦЕНТИ МАШИНАЛАР БИЛАН

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини оғишмай амалга оширяётган Зарбдор районидаги «Ленин йўли» совхози чўлқуварлари Жизах области областида биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладилар. План ўн иш кунида бажарилди. Барча ҳосилнинг 99 процентн машиналар билан териб олинди.

Қудрат Бозоров, Ҳолбек Жўлбаков, Тандир Тиндоров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда мажбурият ҳам ортиғи билан бажарилди. Ҳар гектар ердан 26—27 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Механизаторлардан Абдумалик Абдурахмонов, Абдугани Сатторов, Баҳромжон Боймиров, Жониқул Тошмуродовлар совхоз ғалабасига муносиб ҳисса қўшишди. Кунига 10—14 тонна «оқ олтин»ни бункерлардан тўкаётган дала гвардиячиларининг шу кунгача терган пахтаси 70—80 тоннадан ошиб кетди.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Совхоз заршунослари 25 октябрга-ча 2200 тонна дурдона топшириб, планни икки ҳисса қилиб бажаришга аҳд қилишди.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ ЗАФАРИ

ТОШКЕНТ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этаётган Тошкент райони меҳнаткашлари зафар нучдилар. 10 октябрда давлатга сабзавот ва мева сотиш бўйича йиллик план муваффақиятли уддаладилар. Эл дастурхонига 19 минг тонна картошка, 6,5 минг тонна мева, 8 минг тонна узум етказиб берилди. Районнинг меҳнат ғалабасига Ленин номли, Навоий номли, Собир Раҳимов номли, Ильич номли, Карл Маркс номли колхозларнинг сабзаводчилари, полизкор ва сўҳибкорлари салмоқли улуш қўшдилар. Далаларда ҳали ҳосил мўл. Етиштирилган маҳсулотларни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш чоралари кўрилмоқда. Улуг Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилган район деҳқонлари йил охиригача яна 3 минг тонна картошка, 16 мкнг тонна сабзавот, 200 тонна узум топширишга ваъда бердилар.

Шунингдек, районда чорва маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш оширилган социалистик мажбурият ҳисобига давом эттирилмоқда. Чорвадорлар давлатга шу кунгача 1115 тонна гўшт, 2 миллион 700 минг дона тухум сотдилар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

ҚИЗҒИН ДАМЛАР

Терим тобора долзарб тус олган шу кезларда газетамизнинг қишлоқ хўжалиги бўлимида ҳам иш ҳар қачонгидан ҳам тиғиз. Йиғим-терим учун энг қулай, энг қайноқ давр — октябрь ойи бошланиши билан бўлим почтасига ҳар куни республикамиз пахтазорларидан юзлаб хат-хабарлар келиб турибди. Уларнинг аксариятида зафар маррасн сари шиддат билан интилаётган лафзи ҳалол «оқ олтин» ижодкорларининг барекали меҳнати, «пўлат от»чавандозларининг ғайрат-шижоати, кўмакка чиққан ҳашаршиларнинг беминнат ҳиммати завқ-шавқ билан қиқоя қилинади. Айрим хатлар эса ҳосил тақдирини ҳал қилувчи бебаҳо онлар бой берилаётганидан, сусткашлик ва хотиржамлик оқибатида кунлик графикларнинг ижросига путур етаётганидан нохуш хабар беради.

— Намангандаги 2-пахта тозалаш заводига қарашли тайёрлов пункти ходимлари, — деб ёзади жамоатчи мухбримиз К. Каримжоков, — Янгиқўрғон районидаги Ульянов номли колхоз раҳбарларига эътироз билдиришди. Хўжаликнинг айрим бригадаларн топшираётган пахта намлиги нормадан юқорн бўлмоқда. Ифлослик даражаси 0,5 ўрнига 2,3 процентгача етмоқда. Ҳар куни колхоздан келаётган 85—90 прицеп пахтанинг 10—12 таси шу сабабларга кўра қайтарб юборилмоқда. Бу ҳолни райондаги Ҳамза номли совхоз адресига ҳам айтиш мумкин...

Мана бу хатни самарқандлик М. Эронов йўллаган:

«Иштихонлик заршунослар бу йил 75 минг тонналик катта хирмонни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Бироқ, йиғим-теримнинг ҳозирги қизғин кунларида райондаги айрим хўжаликларнинг иш суръати суст. «Правда», «Зарафшон» колхозларида терим машиналари тўла унум билан ишламяпти. «Муродобод» колхози пахтакорларнинг бу йилги авжи ҳар йилгидек эмас. Район пахтазорларида 550 та «зангори кема»нинг айрим кунлари 125—130 таси ишлаётганини қандай баҳолаш мумкин! Ёки бугунгача районда машина теримн топширгнги эндигина 10 процентдан ошганини нима деб изоҳласа бўлади!

Энди мана шу сатрларга қулоқ тутинг: «...колхозимиз пахта тайёрлаш йиллик планини 14 иш кунидаёқ бажарди. Гектар бошига олинган ҳосил ҳозироқ 33 центнерни ташкил этди. Марра — 43 центнер».

[Тошкент область, Пскент районидаги «Гулистон» колхози пахтакорлари рапортидан].

«Сирдарё районидаги Ильич номли колхознинг Мустафо Суяров бошлиқ оилавий бригадаси мавжуд 80 гектар майдонда 250 тонна «оқ олтин»ни кўтариб, зафар маррасини эгаллади. Бригадирнинг 10 нафар қизи кўпмингкилограммчилар сафига қўшилиб, ҳозирги кезларда ҳам кунига 150—200 килограммдан дурдона тўкмоқдалар. Оилавий бригада ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш ва планга қўшимча яна 150 тонна «оқ олтин» топширишга бел боғлаган.

(Журналист Нарзулла Жўраев хатидан).

«Хўжалигимизда ташкил этилган оилавий кўпмингкилограммчилар мусобақасида Соҳиба, Салима, Тамара Ҳайитовалар пешқадамлик қиляпти. Мавсумда 25 тонна «оқ олтин» теришга бел боғлаган оила аъзолари бугунгача эл хирмонига 16 тонна «оқ олтин» тўкдилар. Жамол Шарипов бошлиқ оиланинг 7 аъзоси ҳам ҳар куни бир тоннагача «оқ олтин» териб, кўпчиликнинг олқишини олмоқда.

[Бухоро область Шофирқон районидаги Ленин номли колхоз аъзоси Р. Азимов хабаридан].

Қандай соз. Қандай ғаштли хабарлар. Эшитиб қувонасан, ўқиб яйрайсан киши. Қани эди юқорида адреслари келтирилган меҳнат коллективларига ўхшаш бошқа айрим районлар, хўжаликлар ва бригадалар ҳам улардан ўрганса-лар, ўрнак олсалар! Бундай зафар мадҳи битилган илиқ сатрларни сурхондарёлик **А. Норматов, О. Бекмуродов, Х. Худойқулов, О. Улуғов,** тошкентлик **Қ. Сайдинозунов, Р. Икромов,** бухоролик **Т. Мақсудов, Т. Муродова,** хоразмлик **Г. Эшжонов, Ш. Матсафоева, Р. Хўжаев,** қорақалпоғистонлик **М. Муқонов, Ш. Наврўзбоев,** қашқадарёлик **Ж. Ҳусанов, М. Саломов, Ш. Маҳмудов, К. Мавлонов,** андижонлик **Ж. Турдиев,** фарғоналик **Й. Мирзаев, Н. Мамадалиев,** наманганлик **А. Сайдаҳмедов, Қ. Тўраев** ўртоқларнинг хатларида ҳам ўқиймиз. Уларнинг ҳаммасида йиғим-теримнинг шу қайноқ кезларида барча бирдек пахтаэрга отланганн, республикамизнинг 5 миллион 900 минг тонналик чўғ хирмонига баҳоли-қудрат ўз ҳиссасини қўшиш учун енг шимарган ҳар бир ўзбекистонликнинг ялпи сафарбарлиги хабар қилинган.

Зотан, шундай бўлиши ҳам керак. Октябрнинг долзарб кунлари талаби ҳам шу! Ўлкамизда ҳамма пахтакор!

ВОКАЛИСТЛАР КОНКУРСИ ҒОЛИБЛАРИ

Минскда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ М. И. Глинка номли вокалистлар конкурсида республикамиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Самарқандлик хонанда Дилором Еқубова конкурс лауреати бўлди. Самарқанд опера ва балет театрининг солисти Жумабой Аҳмедов Глинка романсларининг энг яхши ижрочиси совғаси, консерватория талабаси Ирина Долженко «Надежда» совғаси билан мукофотландилар.

Дилором ЕҚУБОВА

Жумабой АҲМЕДОВ

Ирина ДОЛЖЕНКО

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАР ИЗИДАН

ЖАСОРАТГА ТАЪЗИМ

54-ДИВИЗИЯ ВЕТЕРАНЛАРИ ВОРОШИЛОВГРАД ШАҲРИДА УЧРАШДИЛАР

Газетамизнинг шу йил 21 май сонида босилган «Дийдор кўришди» сарлавҳали мақолада 54-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 160-ўқчи полки 1-ўқчи батальони «Максим» пулеметчиси, ҳозир Қумқўрғон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхозида истиқомат қилаётган Абсалом Раҳмоновнинг шу 1-ўқчи батальоннинг собиқ парторги Дмитрий Кириллович Волошин билан ўттиз олти йилдан сўнг, Буюк Ғалаба арафасида — 8 май куни Котовский шаҳрида дийдор кўришгани ҳақида хабар қилинган эди.

Урушдан сўнг бутунлай ўзга қиёфага кирган кўркам Ворошиловград шаҳридаги «Октябрь» меҳмонхонасида Абсалом Раҳмонов ва унинг турмуш ўртоғи Момохол Раҳмоновани 54-дивизия ветеранлари Совети раисининг ўринбосари Алексей Миронович Таатали қучоқ очиб, самимий кутиб олди. Эртасига—23 сентябрь куни ҳаяжонли тантана — 54-ўқчи дивизиянинг собиқ жангчилари учрашуви бўлиб ўтади. Меҳмонхона деразасидан ташқарига меҳр билан нигоҳ ташлар экан, Абсалом эртанги унутилмас дақиқаларни орзиқиб кутар, эртанги кун ҳавки билан тўлқинланарди. Бир кун бир йилдай бўлиб кетди унинг назарида. Эрта билан қуёш дарпардалардан мўраламасданоқ эрҳотин меҳмонхона эшиги олдида дўстларни сабрсизлик билан кутишарди.

Ана, келаётганлардан бирини Абсалом дарров таниди. Темир йўл формали, тўладан келган, қуюқ қошлиси — бу Дмитрий Кириллович Волошин, баталоннинг собиқ парторги. Кўзига иссиқ кўринган оёл — Волошиннинг турмуш ўртоғи Надежда эди. Ёнидагиси, қотмадан келган, кирра бурунлиси ким бўлди?! Абсаломнинг ҳаяжони тобора ортиб бораётган эди. Ҳа, унисини ҳам таниди.

— Янглишмасам, батальонимиз комиссари Пуставой бўлиши керак, — деди Абсалом турмуш ўртоғига келаётганларни таништирар экан.

— Петр Кириллович, азизим! — Раҳмонов собиқ комиссари, 54-дивизия ветеранлар Совети раиси қучоғига отилди. Қуролдош дўстлар ана шу унутилмас онларда севинч ёшларини яширолмадилар.

Шу куни 54-ўқчи дивизиянинг собиқ 120 жангчиси ўттиз саккиз йилдан сўнг фашист босқинчиларига қарши курашда жон олиб-жон берган муқаддас тупроқда —Ворошиловградда учрашдилар. Юртдошимиз А. Раҳмонов шулардан ўн бир нафарини таниди, улар билан ёнма-ён жанг қилиб, гитлерчиларга қирон келтирган эди. Ўзида йўқ мамнун, елкасига қўл ташлаб турганг — бу Даниил Васильевич Васильев, собиқ разведкачи. Ҳозир у Чувашистон АССРнинг Калинин районидаги Каракли қишлоғида яшайди. Ўша-ўша қувноқ, мана бунисиз эса—собиқ солдат Надежда Павловна Воевадинний. У Донецк шаҳрида истиқомат қилади, шу ердаги 54-дивизия музейининг бошлиғи.

Абсалом собиқ ҳамшира, ҳозир Ворошиловград шаҳрининг Советская кўчасида яшаётган Евдокия Никитична Паликодан бир умр миннатдор. Кечагидек кўз ўнгида. Шарқий Пруссияда Гумбинен шаҳрини ишғол этиш учун шиддатли жанглар борарди. Уз «Максим»и билан душманни ер тишлатаётган Раҳмоновнинг бир дақиқа кўз ўнги қоронғулашди-ю, кейин... ҳушига келса, госпиталда ётибди. Ёқимли жилмайиб турган ҳамшира Евдокия Никитична қоғозда ўроғлиқ кичик бир нарсани тумбочка устига қўяркан, мулойимлик билан деди:

— Осколька бу, бўйнингиздан операция қилиб олдик! — Сўнг ёш болалардек севинч тўла кўзларини жовдиратиб ҳаяжон билан гапира кетди. — Биласизми, сизни ким операция қилди? («Йўқ», — дегандай бош чайқади Абсалом). Юртдошингиз, ажойиб хирург Акбаров!...

Раҳмонов чўкур тушиб кетган зангори кўзларини очиқта юмиб, дил-дилидан миннатдорчилик билдирди, сўнг «Акбаров» деган фамилияни—халоскорининг номини эслаб қолиш учун ҳаллида қайта-қайта такрорлади. Ҳатто тушида: «Акбаров!..» дея ёқоз чиқариб, чўчиб уйғониб ҳам кетди. Уруш тугагач, шу фамилиядаги жарроҳларни суриштирди кўрди, бироқ тополмади. Яқинда «Совет Узбекистони» газетасининг 6 августдаги сонини кўздан кечириб ўтириб, «Қалб даъвати билан» сарлавҳали мақолаги қуйидаги жумлаларни ўқиб, титраб кетди: «1943 йил бошида Акром Акберов 54-гвардиячи пиёда аскарлар дивизиясининг 58-медсанбатига саралаш взводи командири қилиб тайинланди...».

— Бу ўша, менинг ҳалоскорим Акбаров-ку!..

Орадан кўп ўтмай Ўрта Осиё темир йўл медицина хизмати бошлиғининг телефони жирингланди. Акром Бакирович уруш даврида Раҳмонов сингари ўн минглаб жангчининг ярасига малҳам қўйган, шунинг учун дарров уни эслай олмади. Гумбинен шаҳри, уни ишғол этиш учун бўлиб ўтган ёвсиз жанг эпизодлари тилга олинганидан сўнггина энг яқин қариндошини топгандек севиниб кетди. Яқинда собиқ қуролдош дўстлар учрашдилар. Жанговар йилларни бир-бир эсладилар, сўнг эсдалик учун суратга тушдилар.

Бир умр эдда қоладиган ҳаяжонли ва унутилмас учрашувлар!.. Ворошиловград шаҳри 23—26 сентябрь кунлари янада ёруғ, тантанавор тус олганди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Попов 54-дивизия ветеранларини қабул қилди. Сўнгра собиқ жангчилар Парҳоменко номли машинасозлик заводида бўлишди. В. И. Ленин ҳайкали пойига ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари девори ёнига гулчамбарлар қўйишди. Мана, қирқ учинчи йилнинг июль ойи иккинчи ярмида гитлерчилар билан юзма-юз турган жанггоҳ. Шаҳар марказидан йигирма-йигирма икки чақирим узоқликдаги бу ерларни ҳозир таниб бўлмайди. Уруш пайтида-чи — тупроққа қоришиб кетган душманнинг қурол-аслаҳалари — тўпларни, мажақланган танкларни, кул бўлиб ёнган машиналари қора қузғундай атрофда сочилиб ётарди. Август ойининг бошлари. Раҳмонов ҳизмат қилган батальон ҳам босқинчиларни олдиларига солиб қувиб, Макеевка шаҳри томон йўл олишган ва уни ҳам озод этишган эди. Дивизия ветераналари ўзлари ҳалос этган Макеевкада келаси йили сентябрь ойида учрашишга аҳд қилдилар.

Мақоламизга шу ўринда нуқта қўйсак ҳам бўлерди. Бироқ, яқинда собиқ парторг Д. К. Волошиндан редакциямизга хат келди.

— «Украина, Белоруссия, Польша, Шарқий Пруссия фронт йўлларини елкама-елка босиб ўтган, то Берлингача бирга борган ажойиб юртдошингиз Абсалом Раҳмонов номини фахр билан тилга олгим келади, — деб ёзади Дмитрий Кириллович ўз хатида. —Батальонимизда солдатлар кўп эди. Шундай бўлса-да, бу солдат менда алоҳида таассурот қолдирган. Абсалом тўрт маротаба ярадор бўлди, тузалиб яна сафимизга қайтди. Қисмимиз учун ёқимли солдат — хисобланса, душман учун эса даҳшатли ўт очиш «нуқтаси» саналарди.

Минглаб мисоллардан биттасини ҳикоя қилиб бермоқчиман. Бу воқеа Шарқий Пруссияда бўлиб ўтган эди. Биз атрофи пишиқ ғиштли девор билан ўралган алоҳида уйни — фольваркни душмандан озод этдик. Абсалом ўз расчети билан асосий бинодан 250 метр олдинда — деворнинг чап томонидаги қулай ўт очиш позициясини эгаллади. Немис фашистлари катта куч билан қарши ҳужумга ўтдилар. Жанг энг шиддатли тус олган пайтда Раҳмонов душманнинг асосий қисмига қўққисдан ўт очди. Катта талофат кўрган душман қақшатқич зарбамизга бардош беролмай орқага чекинишга мажбур бўлганди. «Максим» пулемёти учун ўт очиш позициясининг тўғри танланганлиги ва қўққисдан кучли зарба берилганлиги жангдаги ғалабамизни таъминлаган эди.

Газетангиз орқали ўзбек халқининг ҳақиқий ўғлони, ғолиб жангчи Абсалом Раҳмоновга ҳамиша яхши кайфиятлар тилаб қолишга ижозат бергайсиз».

Ҳа, биз ҳам Раҳмонов сингари ғолиб жангчиларга тасанно деймиз, уларнинг мислсиз қаҳрамонлиги ва жасорати олдида таъзим бажо келтирамиз.

Миршароф МУҲСИМОВ.

Суратда (чапдан ўнгга): батальоннинг собиқ комиссари П. К. Пуставой, қумқўрғонлик А. Раҳмонов ва собиқ парторг Д. К. Волошин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 — Здоровье. 12.15 — Тонги почта. 12.45 — СССР Қишлоқ хўжалиги министри В. К. Месян сўзи. 13.05 — Қишлоқ ҳаётидан. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Телевизион спектакль. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 16.30 — Концерт. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Қишлоқ меҳнаткашлари. Сизлар учун. 19.55 — Шахсий фикр. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Л. Бетховеннинг 9-симфонияси. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.15 — Ҳужжатли фильмлар. 11.05 — Қамалак. 11.30 — Бадиий фильмлар. 13.10 — Ҳайвонот оламида. 14.10 — Ҳаракат кавфсизлиги учун. 14.40 — Кинопанорама. 16.10 — Фильм-концерт. 16.40 — Театр ҳақида ҳикоялар. 17.35 — Илк қувончлар. Бадиий фильм. 6-серия. 19.00 — Ҳужжатли экран. 19.55 — Музикали программа. 20.40 — А. М. Горький. Америка ҳақида очерклар. 21.15 — Тунингез ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Киев). 22.45 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (Москва) — АСК (Ростов-Дон).

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телефильмлар. 10.55 — «Садо» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 11.20 — Й. Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.10 — Киноқўрсатув. 12.45 — Ҳаёлпарастлар. Бадиий фильм. 13.55 — Ўзбекистон спорти. 14.25 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Дилдан қуйлаб, ўйна қувнаб. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт.

ҚИРҒИЗИСТОН. 16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

12 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Қўшиқларимиз парвози. 11.00 — Зангори шлем. 12.10 — Звёздочет. 12.55 — 15.00—Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатнинг — иқболинг. 16.00 — Концерт. 16.40 — Телестадион. 17.10 — Горничлар, қаердасиз! 17.40 — Халқ оҳанглари. 17.55 — Сиз яратган бог. 18.25 — Фильм-концерт. 18.55 — Мультфильм. 19.05 — Телефильм. 19.55 — Оқшом гандлик. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.35 — Мўъжизасиз мўъжизалар.

МОСКВА-IV. Профилактика муносабати билан 12 октябрь душанба куни Марказий телевидение IV-программасининг кўрсатувлари намойиш этилмайди.

ТОШКЕНТ-I. 18.00 — Мактаб ўқувчилари учун. 18.10 — Ешлик. 19.00 — Мусобақа — омма ижоди. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Рассом — П. П. Беньков. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05— Хирмонингизга барака. 22.20 — Далаварлик ўчун. Бадиий фильм. 23.35 — Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Қўғирчоқ фильм. 18.25 — Телефильмлар. 19.30 — Ўқитувчи экрани. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳамиша нур сочиб. 20.30 — Асрнинг буюк ғояларига хизмат қилиб. Видеофильм.

РАДИО

11 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали эсўвлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Радиопостановкалардан қўшиқлар. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадорлар бешиллик вахтасида. 13.30 — Қишлоқ хўжалик ходимлари. Сизлар учун. 14.00 — Бугун — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари куни. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.15 — Спорт эшитиришн. 19.25 — Бир қўшиқ тарихи. 20.15 — Қишлоқ хўжалик ходимларининг талабларига биноан концерт. 21.00 — Яхши қайфият хизмати. 21.10 — Хорманг, пахтакорлар. 22.30 — Ўзбекистон артистларининг концерти. 23.15 — Ўзбекистон артистлари концертининг давоми.

12 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Социалистик турмуш тараи. 9.35 — Қадрдон пахтакорлар, Сизлар учун. Концерт. 10.15 — Публицист минбари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Фарғона қўёнчилик хўжаликларида. 14.00 — «Оқ олтин» хирмонлари кўпаймоқда. 18.15 — Ешлик. 19.25 — Шаҳарлар ҳақида қўшиқлар. 20.30 — Шу куннинг муҳим сиёсий воқеалари. 21.00 — Р. Файзий. Чанқоқ томган қон. Ҳикоя. 21.20 — Пахта терими илғорлари учун концерт. 22.30 — Ҳ. Носирова куйлайди. 23.15 — Дам олиш концерти.

СЕРМАЗМУН УМР

«Ҳамза ҳақида ёзиш учун у қолдирган (кўпи эълон қилинмаган) бадиий асарларни, ижтимоий фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни кўздан кечирар эканман, кўз олдимизда юксак дид ва заковатли, сергайрат, халқ ишига бутун вужуди билан ўзини бағишлаган салобатли бир сиймо гавдаланади. Унинг бундай олижаноб хислатлари мени ўзига жалб эта борди. Демак, мен Ҳамза ижодини озми-кўпми ёритдимгина эмас, Ҳамза ўзининг ажойиб фаолияти билан мени тарбиялади ҳам», — деб ёзади таниқли ҳамзашунос олим Юсуф Султонов.

«Ҳамза ўзининг ажойиб фаолияти билан мени тарбиялади...» Бу гапни олим бежиз айтаётгани йўқ. 1911 йил Тошкентда, камбағал деҳқон оиласида туғилган Юсуф Султонов болалигидан илмга ташна ўсади. Бўлажак олим Ўрта Осиё Давлат университети педагогика факультетида (1930-1932), сўнг Ўзбекистон ССР Маданий қурилиш илмий-текшириш институтининг аспирантураси тайёрлов курсида (1932-1933) таҳсил олади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида (1934-1937) институтнинг катта илмий ходими заковатли шоир Ҳамид Олимжон раҳбарлигида илм сирларини янада чуқурроқ ўрганади. Унинг техникум ва университетларга таҳсил йиллари ҳам, илмий ташкилотлардаги фаолияти ҳам жамоатчилик ишлари билан уйғун ҳолда қизғин кечади.

Педагогика техникумини битириб, Тошкент область Ўрта Чирчиқ район Қум қишлоғидаги бошланғич мактабга ўқитувчи бўлиб борган Юсуф қишлоқда колхоз тузиш, кўкламги экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказишда (1929-30 йиллар) фаол иштирок этади. Кейинчалик университет студенти Ю. Султонов ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси кўкламги экиш кампаниясини ўтказишда ёрдамлашиш учун республикамиз колхозларига сафарбар қилган активлар қаторида (1931 йил) Зарафшон округининг Каттақўрғон районига вакил сифатида юборилади.

«Ишим 20 да эди, — дея ўша дамларни эслайди олим. —Менга шундай масъул вазифа топширилди, катта ишонч билдирилди. Мен бор билимимни жамлаб, ишга киришувим керак эди. Чунки кўпчилик қишлоқ аҳолиси ҳали саводсиз ва чала савод. Ўқимишли кишиларга ҳавас билан қарайди. Уч ойдан кўпроқ ана шулар билан бирга ишладим. Мен вакил бўлган «Янги дунё» колхози ташкилий-хўжалик жиҳатидан анча мустаҳкамланди. Экиш кампанияси муваффақиятли ўтди. Колхоз планларини бажарди. Мен хурсанд бўлиб Тошкентга қайтдим. Бу менинг ҳаётимда иккинчи дарсхона бўлди».

АДАБИЁТИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

Ҳа, ҳаёт — мактаб! У меҳнатсевар инсонни эзъозлайди. Юсуф Султонов ҳарбий хизматдан кейин бир неча йил мобайнида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети аппаратида бўлим мудирининг ўринбосари ва бўлим мудири вазифаларида ишлади. 1938 йили Нилдош Охунбобоев бошчилигида ўзбек совет адабиётининг асосчиси ва таниқли жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссияси тузилади. Юсуф Султонов эса ана шу комиссиянинг секретарлигига тавсия этилади.

Инқилоб қуйчисининг мураккаб ҳаёти ва сермазмун ижодига доир тўпланган ранг-баранг, бой материаллар Юсуф Султоновда катта қизиқиш уйғотади. Шу борада у тадқиқот ишлари олиб боради ва 1941 йилга келиб унинг Ҳамза ҳақидаги монографияси чоп этилади.

Юқорида биз олимнинг: «Ҳамза ўзининг ажойиб фаолияти билан мени тарбиялади ҳам» деган эҳтиром ҳисига йўғрилган гапини эслаган эдик. Ҳақиқатан ҳам шундай. Юсуф Султонов ҳамзашунос сифатида кенг жамоатчиликка танилди, обрў-эътибор қозонди. У 1949 йили ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза ҳақида биринчи кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Юсуф Султонов Ҳамза асарларини нашрга тайёрлаш борасида ҳам кўп йиллардан буён самарали ишлар қилиб келмоқда. У Ҳамзанинг 1939 йилда чоп этилган илк тўпламидан то 80-йилларда юзага келган «Мукаммал асарлар тўплами»гача бўлган текстологик ишларда нашрга тайёрловчи, муҳаррир сифатида фаол қатнашиб келмоқда.

У Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ўзбек совет адабиёти бўлими томонидан тайёрланган «Ўзбек совет адабиёти» (уч томлик), Москвада чоп этилган «Ўзбек адабиёти тарихи» китобларининг муаллифларидандир. Олим Сарвар Азимов, Қудрат Аҳмедов билан ҳамкорликда Ўрта мактабларнинг 9—10-синф ўқувчилари учун тайёрланган «Ўзбек совет адабиёти» дарслиги ўтган 30 йилча давр ичида 29 маротаба қайта-қайта нашр этилди.

Узоқ йиллардан буён Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида самарали ишлар қилиб келаётган Юсуф Султонов ёш илмий ходимларнинг жонкуяр устози ҳамдир. Унинг раҳбарлигида ўнлаб ёшлар катта-катта илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишди.

Партия ва ҳукуматимиз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, жонкуяр адабиётшунос олим Юсуф Султоновнинг илмий, педагогик ва ижтимоий фаолиятини муносиб тақдирлаб, уни «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотлаган. У Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреатидир.

Ҳа, меҳнат инсонни эзъозлайди. Бугуни кунда 70 ёшга тўлган, сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтган жонкуяр олимимиз янги довонларни кўзлаб бормоқда. Унга ижодий зафарлар тилаймиз.

С. ЭРКИНОВ,
филология фанлари доктори.

СПОРТ

ШАХМАТ:

ЧЕМПИОННИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

Италиянинг Мерано шаҳрида ўтаётган жаҳон биринчилиги учун шахмат бахсида тўртинчи партия ниҳоясига етказилди. Бунда оқ доналар билан ўйнаган Анатолий Карпов рақиби В. Корчнойни учинчи бор мағлубиятга учратди. Ўйиннинг бошланишидаёқ Карповнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Жаҳон чемпиони ўйиннинг охиригача ташаббусни ўз қўлида сақлаб турди. 53-юришда қора доналар билан ўйнаган даъвогар таслим бўлди. Шундай қилиб жаҳон чемпионлиги учун матчда А. Карпов 3:0 ҳисобида пешқадамлик қилмоқда.

* * *

Аёллар ўртасида Иваново-Франковск шаҳрида ўтаётган СССР чемпионатида Нана Иоселиани 9,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Л. Зайцева 8, жаҳон экс-чемпиони Нона Гаприндашвили билан Тамара Хугашвилида 7,5 тадан очко бор.

ФУТБОЛ:

«НЕФТЯНИК» ЗОНА ҒОЛИБИ

Фарғонанинг «Нефтяник» командаси футболчилари бу йилги СССР чемпионатида катта ютуққа эришдилар. Иккинчи лига олтинчи зонаси командалари орасида энг кўп — 64 очко тўплаб, иккинчи лига командаларининг финал матчида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Фарғоналиклар навбатдаги турда Янгиёйлнинг «Соҳибкор» командасини 2:1 ҳисобида маглубиятга учратиб, бу муваффақиятга эришдилар. Энди СССР чемпионати 6 та зонасининг ғолиблари ўзаро куч синашадилар. Ўйинлар 24 октябрда бошланади.

ШАШКА:

ОЛДИНДА СПАРТАКЧИЛАР

Халқаро ва рус шашкаси бўйича Узбекистон ССР кубоги учун мусобақаларда спартакчилар ғолиб чиқишди. Улар Тошкентда якунланган баллашувларда қатнашган бошқа олти командадан устун келиб, 30 очко тўпладилар.

ЁШ КИТОБХОНЛАР УЧУН

Кенесбой Айманов китобининг қаҳрамонлари — унинг синфига қатнайдиган ўқувчилардир. Қораўзак районидаги Жданов номли мактабнинг қишлоқ ўқитувчиси ўзининг «Доно бола» деган биринчи шеърий китобида ёш китобхонларни гўзаллик оламига етаклайди, уларни шеърият, табиатни севишга ўргатади.

Болалар ва ўсмирлар учун асарлар ёзаётган қорақалпоқ авторлари орасида ўнта ўқитувчи бор. Уларнинг китоблари жонажон ўлка, унинг қаҳрамонона тарихи тўғрисида қиқоя қилади.

ДОНАДОР ОЗУҚАЛАР

Наманган областидаги «Гулистон» совхозининг гўшт-сут комплексида энди ем-хашак нишхўрдлари чиқитга ташлаб юборилмаяпти. Бу ерда ишга туширилган цех ана шу чиқитларни қайта ишлаб донадор ҳолга келтирмоқда. Цехда икки оператор хизмат қилмоқда. У соатига 600 килограмм маҳсулот чиқариш қувватига эга.

КОНВЕЙЕРДА... ҚУДУҚЛАР

Янгиердаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг рационализаторлари дренаж қувурларининг кўзда кечириб турилаётган қудуқларини монтаж қилишни жадаллаштиришга ёрдам бердилар. Новаторларнинг ижодий изланиши туфайли корхонада босимсиз қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларни ерга туширишга кифоя, қудуқ тайёр бўлади қолади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

Қундуз Ғуломовна ҒУЛОМОВА

10 октябрь куни Узбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг директори, 1944 йилдан КПСС аъзоси Қундуз Ғуломовна Ғуломова 59 ёшида вафот қилди.

Қ. Ғ. Ғуломова 1923 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1941 йилда Тошкент енгил саноати техникумини тугаллагандан сўнг, у «Қизил тонг» фабрикасининг фабрика-завод билим юртида инструктор, кейин нормировкачи, шу фабрикада цех бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1944 йилдан 1948 йилгача комсомол ишида бўлди. 1950 йилда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги икки йиллик партия мактабини тугатгандан сўнг республиканинг партия органларида ишлади. У Қашқадарё область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори, пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг инспектори бўлиб ишлади.

1974 йилда Қ. Ғ. Ғуломова Узбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг директори қилиб тайинланди. Бу масъулятли лавозимда у Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг ривожи учун, республика экономикаси, фан ва маданияти ютуқларини кенг ёйиш борасида кўп ишлар қилди. Қ. Ғ. Ғуломова қаерда ишламасин ўз билими ва ғайратини сидқидилдан ва виждонан сарфлади, муаммоларни ҳал қилишда принципиаллик ва қатъийлик кўрсатди.

Партия ва Совет ҳукумати Қ. Ғ. Ғуломованинг хизматларини юксак баҳолаб, уни Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан мукофотлади. Унга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган эди.

Ажойиб инсон, принципиал коммунист Қундуз Ғуломовнанинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
«Ўзкультторг», «Ўзхозторг» ва «Ўзспортторг» республика базаларида
13-24 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ
1982 йилда республика чакана савдо ташкилотларига маданий-маиший ва спорт, хўжалик ва галантерея-парфюмерия молларини ҳамда «Узбекбирлашув» системасидаги районлараро базаларга кир ювиш воситалари ва парфюмерия-косметика товарларини улгуржи сотиш бўйича
РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ
Ярмарка қатнашчилари 12 октябрда келишлари лозим.
Узбекистон ССР Савдо министрлиги.

«ТРАНССТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ
Ўрта Осиё механизация бошқармаси
мотовозлар ва котлован қазувчи механизмларнинг машинистларини тайёрлаш бўйича
ОЛТИ ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ўқишга йўлланма беради
НОВОСИБИРСК ТЕХНИКА МАКТАБИГА
йўл ўтказиш кранларининг машинистлари;
КАЛУГА ТЕХНИКА МАКТАБИГА
ВПР—1200 ва ВПРС—500 машиналарининг машинистлари.
Техника мактабларига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: ариза, сўнгги иш жойидан ўртача меҳнат ҳақи тўғрисида справка, паспорт, ҳарбий билет.
Ҳар ойда 76 сўм ҳажмида стипендия берилади.
Техника мактабини тугатганларга Ўрта Осиё, Қозоғистон ва РСФСР районларида ишлаш учун йўлланма берилади.
Белул махсус кийим ва отпуска даврида темир йўл билети белул берилади.
Справкалар олиш учун адрес: Тошкент шаҳри, Венгерский кўчаси, 29-«а» уй, Кадрлар бўлими. Телефон 39-24-97.

«Союзлифтмонтаж» трести
ОЛМАОТА МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ
ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ УЧАСТКАСИ
18 ёшли йигитларни, Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни лифтларнинг слесарь монтажчиларн касби бўйича ўқитиш учун
2,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ўқишдан сўнг Тошкент шаҳрида 2,5 ой практика ўтилади.
Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.
Ўқиш даврида ўқувчиларга ойига 76 сўм стипендия берилади.
Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, 97-алоқа бўлими, Чилонзор массиви, 5-квартал, «Союзлифтмонтаж». Телефонлар: 78-17-56, 78-30-79.

Театр

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/Ҳда Келинвар қўзголони, 13/Ҳда Алмандар.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/Ҳда Хизматингизга тайёрмиз, 12/Х да Дилафрузга тўрт ошиқ.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва давлат цирки артистлари гастролларн. Халқаро конкурс лауреати Мансур ТОШМАТОВ иштирок этади (13, 16, 19.30).

Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари министрлик коллегиясининг аъзоси, кадрлар бошқармасининг бошлиғи О. У. Исҳоқова онаси

Парохат ИБРОҲИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-53-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-89, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; ҳетлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик кабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03230. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 235.